Ушбу сонда:

2 БОЛАЛАР ОРОМГОҲЛАРИ
уларни мавсумга пухта ҳозирлаш юзасидан мулоҳазалар

3 TV – ДАСТУРИ

4 *Сиз кутган учрашув*
«КЎНГИЛЛАРНИ ОВЛАДИМ МЕН СОЗ ИЛА ...»

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 13 апрел, жума №56 (1070)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ УЧУН ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

«Қизилқумнодирметаллолтин» концерни ҳамда республика кон-металлургия тармоғи корхоналарини юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш, таълим дастурларида ватанимиз ҳамда хорижий кончилик ва металлургия корхоналари томонидан тўпланган илғор тажрибадан кенг қўламда фойдаланган ҳолда замонавий ўқитиш услубларини жорий этиш, таълим жараёнининг ишлаб чиқариш билан алоқасини кучайтириш асосида кадрлар тайёрлашни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Навоий давлат кончилик институти ўзининг юридик шахс мақоми ҳамда бюджетдан молиялаш манбаларини сақлаб қолган ҳолда «Қизилқумнодирметаллолтин» концерни таркибига ўтказилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Навоий давлат кончилик институти «Қизилқумнодирметаллолтин» концерни корхоналари ҳамда республика кон-металлургия тармоғи учун юқори малакали мутахассислар, шунингдек кончилик ва металлургия ихтисосидаги касб коллежлари учун мухандис-педагог кадрлар тайёрлаш бўйича базавий олий таълим муассасаси ҳисобланади.

3. «Қизилқумнодирметаллолтин» концернининг пенсия ёшидаги юқори малакали мутахассисларини Навоий давлат кончилик институтида ўқитувчилик фаолиятига жалб этишни рағбатлантириш учун уларга тўланадиган пенсия миқдори тўла ҳажмда сақлаб қолинсин.

4. «Қизилқумнодирметаллолтин» концернига ўқишни тугатгач асосий ишлаб чиқаришларда мутахассислиги бўйича ишга келувчи ёш мутахассисларга корхоналар ихтиёрида қоладиган фойда ҳисобидан қуйидагиларни беришга рухсат этилсин:

бериладиган суммани кейинчалик солиққа тортиладиган даромадга қўшмаган ҳолда энг оз иш ҳақининг 20 баравар миқдоригача йўл пули;

уй-жой сотиб олиш учун 10 йил муддатга энг кам иш ҳақининг 400 баравари миқдорида фоизсиз ссуда. Ёш мутахассис корхонада 5 йил ишлагандан кейин қолган сумма (кўпи билан 50 фоизи) корхона томонидан тўланиб, ссуданинг шу қисми кейинчалик солиққа тортиладиган даромадга қўшилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Қизилқумнодирметаллолтин» концерни тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда ўқув юртларини тамомлагандан кейин концерн корхоналарига ихтисоси бўйича ишга келувчи ёш мутахассисларга йўл пули ва уй-жой сотиб олиш учун фоизсиз ссудалар бериш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги «Қизилқумнодирметаллолтин» концернининг асосли буюртманомалари бўйича юқори малакали ишчиларни, мутахассисларни ҳамда таълим муассасаларини битирувчиларни «Қизилқумнодирметаллолтин» концерни корхоналаридаги асосий ишлаб чиқаришда ишлаб турган даврда муддатли ҳарбий хизматга чақириш муддатини кечиктирсин, зарур ҳолларда эса муқобил хизматни ўташга рухсат бersин.

6. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Навоий давлат кончилик институти фаолиятини ташкил қилиш масалалари ҳамда «Қизилқумнодирметаллолтин» концерни корхоналарини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 12 апрел

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 105-моддасида ва «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун 20-моддасида белгиланган ваколат муддати 2001 йилнинг май-июн ойларида тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қ а р о р қ и л а д и:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари 2001 йилнинг май-июн ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг сайловини ўтказишни таъминласин.

2. Қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш ҳамда сайловни ташкилий жиҳатдан юксак даражада ўтказиш мақсадида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги намунавий низом тасдиқлансин.

3. Шу муносабат билан:

туман ва шаҳарлар ҳокимларига - фуқаролар йиғинларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда, ташкилотчилик қобилиятига ҳамда аҳоли ўртасида юқори обрў-эътибор ва ҳурматга сазовор бўлган, давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисми босқичма-босқич фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилиши муносабати билан ушбу органлар олдида турган вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган шахслар орасидан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига кадрлар танлашда кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига - ўз сайлов округларида сайлов тадбирларини ташкил этишда фаол иштирок этиш;

оммавий ахборот воситаларига - фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловларга тайёргарликнинг боришини ва сайловларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Олий Мажлис Кенгашининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этишга доир тадбирлари тасдиқлансин.

5. Олий Мажлис Котибияти Олий Мажлисда доимий асосда ишловчи депутатлар ва Котибият ходимларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда амалий ёрдам кўрсатиш учун жойларга чиқишларини ташкил этсин.

6. Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайловлар жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари юзасидан билдирилган таклифларни умумлаштирсин ва жорий йилнинг 15 июлига қадар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг сайлови якунлари тўғрисида Олий Мажлис Кенгашига ахборот берсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси **Э.ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 9 апрел

МУРУВВАТНИ МАҚСАД ҚИЛГАН ТАШКИЛОТ

Урганчда Ўзбекистон Республикаси Қизил Ярим ой жамияти Хоразм вилояти ташкилотининг XXIII ҳисобот-сайлов анжумани бўлиб ўтди. Хоразм вилоятида ташкилотнинг «Меҳр-шафқат» хизмати ёрдамидан 160 нафардан ошиқ иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат ногирони бўлган ёлғиз қария, 70 нафардан ошиқ сурункали бемор, кўп болали оналар фойдаланиб келмоқда. Жамият томонидан воҳанинг 12 минг нафар кам таъминланган аҳолисига мурувват ёрдами кўрсатилди. Вилоятда бешта тиббий-ижтимоий ёрдам маркази фаолият кўрсатмоқда.

Қизил ярим ой жамиятининг хоразмлик фаоллари ўзларининг хайрли ишларига ёшларни фаол жалб қилишмоқда. Бир йил аввал кўҳна Хивада Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари халқаро федерациясининг махсус лойиҳаси доирасида Ёшлар маркази ташкил этилган бўлиб, ҳозирда ушбу марказ турли экологик дастурлар, гиёҳвандлик ва ОИТСнинг олдини олиш бўйича тадбирларни амалга оширмоқда.

Анжуманда кўпгина жиддий муаммо ва камчиликлар мавжудлиги сабабли бу каби мурувват тадбирлари кўзланган самарани бермаётгани таъкидланди. Уларнинг асосийси - ички молиялаштириш ва моддий таъминот манбаларининг йўқлиги билан боғлиқ. Масалан, жамиятнинг биронта ҳам шаҳар ёки туман кенгаши ҳузурида кичик ёки ўрта ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилмаган. Вилоят кенгаши ҳам ўз офисига эга эмаслиги боис турли тадбирларни ўтказишда ҳомийлар, юқори ташкилотлар ёки хорижий ҳамкорлар ёрдамига муҳтож бўлиб қолмоқда.

Анжуманда вилоят ҳокими И.Бобожонов Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Хоразм вилояти кенгашининг фахрий раиси, З.Полвонова эса раис этиб сайланди. Ҳисобот-сайлов анжуманида Ўзбекистон Республикаси Қизил Ярим ой жамияти миллий кенгашининг раиси Ў.Воҳидова сўзга чиқди.

(ЎзА).

«КАМОЛОТ» ҚОМИЛЛИККА ИНТИЛМОҚДА

Хоразм вилоятида бўлиб ўтган учрашувда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг низоми ва дастури лойиҳаларига ўзгартириш киритишга доир юздан ошиқ таклиф билдирилди. Кўҳна воҳа аҳолисининг учдан бир қисмидан кўпини 30 ёшгача бўлган йигит ва қизлар ташкил қилади. Ёшлар ҳаракатининг мақсад ва вазифалари вилоятда қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди. Шу муносабат билан кўплаб ўқув юртлари, меҳнат жамоалари, шаҳар ва қишлоқ маҳаллаларида йиғилишлар ўтказилди.

Урганчда бўлиб ўтган вилоят ёшлари фаолларининг йиғилишида «Камолот» ҳаракатининг низоми ва дастури лойиҳалари муҳокамасига якун ясалиб, таъсис қурултойига делегатлар сайланди.

Ангрендаги Облиқ норуда қурилиш материаллари корхонаси мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига муносиб улушини қўшиб келмоқда. Бу ерда жамлаб қўйилган қум ва шағал йирик қурилишларга пешма-пеш жўнатилмоқда. Корхона жамоаси жорий йил мобайнида истеъмолчиларга 500 минг кубометр номаъдан қурилиш ашёлари етказиб беришни ният қилган. Эътиборлиси шуки, маҳсулотнинг ҳаммаси буюртма бўйича жўнатилмоқда.

Суратларда: моҳир ишчи Сергей Ишков; корхонада иш жараёни.

Д.ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар.

Истеъмолчи манфаати муқаддас

НОҚОНУНИЙ ДАРОМАД

«Жиззахбалиқ» ҳиссадорлик жамиятига қимматга тушди

«Ўзбалиқ» республика бирлашмаси тизимидаги «Жиззахбалиқ» очиқ турдаги хиссадорлик жамиятида «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида», «Истеъмолчилар хукукларини химоя килиш тўғрисида»ги республика конунларининг бажарилишини таъминлашда жиддий камчиликларга йўл кўйилмокда.

Назоратнинг сустлиги, ўзибўларчилик ҳамиша қимматга тушади. Эътироф этиш керак, товар бозорида мазкур ҳиссадорлик жамияти томонидан балиқ тутиш ва сотиш ҳажмининг кескин камайиб кетганлиги сабабли монополиядан чиқариш, рақобатни ривожлантириш вилоят ҳудудий бошқармасининг қарорига асосан 1996 йилнинг 21 декабридан у давлат реестридан чиқарилган эди. Орадан уч йил ўтгач, ушбу корхона қайтадан маҳаллий товар бозорида монополист корхоналар реестрига киритилди. Шу муддат ичида жамият эркин (шартномавий) нархлар асосида ишлади.

Жамият томонидан монопол баҳоларни шакллантириш борасида ҳар бир балиқ тури бўйича калькуляция ҳамда зарурий фойда ҳисоб-китоблари ишлаб чиқилган бўлишига қарамай, фаолиятда жиддий нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Жумладан, тегишли Низом талабларига зид равишда ишлаб чиқариш таннархига моддий рағбатлантириш, моддий ёрдам, ҳомийлик тўловлари (бу жами 1802,9 минг сўмни ташкил этади) ҳам киритиб юборилган. Биламизки, бундай тўловлар корхона ихтиёрида қолдирилган соф фойда ҳисобидан қопланиши керак эди.

Оқибат-натижада жамият томонидан ўтган йили 746 тонна балиқ сотилиб, 2937,4 минг сўмлик ноқонуний даромад олинган. Бу ердаги баъзи мутасаддисислар, ҳисоб-китоб ишларига алоқадор кишилар муросасозлик йўлини тутишган. Туман касаба уюшма қўмитаси, унинг қуйи бўғинлари ҳам камчиликлар олдида томошабин бўлиб туришган. Шу боис, ноқонуний даромад олиш жорий йилнинг январ ойида ҳам давом этган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 мартдаги 165-сонли қарорида монопол баҳоларни қўллашда янги чекланган декларация нархларининг жорий этилиши санаси этиб унинг тегишли молия органларида рўйхатга олинган кун ҳисобланиши белгилаб қўйилган. Бироқ, жамиятда бу талаб қўпол равишда бузилиб, монопол баҳолар ўтган йилнинг 15 декабридан эмас, балки 1 декабрдан қўлланилиши натижасида 604,98 минг сўмлик ноқонуний даромад олинишига йўл қўйилган. Истеъмолчилар ҳақли равишда эътироз билдиришмоқда. Чунки, жамиятга қарашли Жиззахдаги бешта фирма дўконининг биронтаси ҳам ҳозирда ишламаётир.

Мутасадди кишилар турли йўллар билан бойишга ружу қилишган. Истеъмолчиларга бир хил маҳсулотни бир даврда ҳар хил нархларда сотиб, уларнинг қонуний ҳуқуқлари камситилишига йўл қўйилган. Рақамларга эътибор қилайлик: ўтган йилнинг 29 декабрида 9600 кило балиқ «Ҳамдам» хусусий корхонасига бир килоси 60 сўмдан сотилгани ҳолда, сал кейинроқ Сирдарёдаги «Гулистон» футбол теннис клубига 170 кг лукмаи ҳалолнинг бир килоси 120 сўмдан пулланган. Бундай ҳолатлар ягона эмас.

Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам билинади, дейишади. Қонунга хилоф равишда иш юритиш жамиятга қимматга тушди. Текшириш натижасида катта миқдордаги ноқонуний даромад аниқланиб, унга нисбатан иқтисодий санкция қўлланилди. Камчиликларни бартараф этиш юзасидан монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан ёзма равишда кўрсатма берилди.

И.ЎСАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат кўмитасининг Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи.

БОКСЧИЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

Литвада бокс бўйича таниқли чарм қўлқоп устаси Алгирдас Шоцикас соврини учун анъанавий халқаро турнир ўз ниҳоясига етди. Унда МДҲ давлатлари, Болтиқбўйи ва Германиядан ташриф буюрган спортчилар иштирок этди.

Ҳамюртимиз Рустам Саидов кетма-кет учта зафар қозониб, турнир ғолиби бўлди. Рафқат Эралиев ва Шаҳзод Хусанов кумуш медалларга сазовор бўлишди.

Ўзбекистонлик боксчилар муносиб мукофотлар билан юртимизга қайтиб келди.

(ЎзА).

«ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ» СИҲАТГОҲИДА

янги замонавий даволаш мажмуаси ишга туширилмоқда

Ўзбекистоннинг беқиёс табиати, шифобахш сувлари-ю ҳавоси дам олиш ва даволаниш учун жуда қулай ва фойдалидир. Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармасига қарашли барча санаторийларда маъданли сувлар, шифобахш лой, сув ҳавзалари каби табиий даволаш манбаларидан саломатликни тиклашда фойдаланилади. Сиҳатгоҳлардаги шароит, иқлимий-жўғрофий ҳолат, табиий муолажа омиллари беморларни даволашда қўл келмоқда.

Мустақиллик йилларида ушбу соҳага эътибор кучайди. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида»ги Президент Фармонига кўра аҳолига санаторий-курорт хизмати кўрсатишни яхшилаш, сиҳатгоҳлар ишини тубдан ислоҳ қилиш борасида катта ишлар олиб борилди.

Бошқарма тизимида 1999 йилгача 17 та санаторий ва битта мавсумий дам олиш маскани фаолият кўрсатарди. Сиҳатгоҳларнинг даволанувчиларни қабул қилиш имконияти беш мингга яқин ўриндан иборат эди. Истиқлол йилларида кўплаб сиҳатгоҳларда эски 3-4 ўринли хоналар қайта таъмирланиб, қулай шароитларга эга бўлган 1-2 кишилик хоналар ташкил қилинди. Улар замонавий анжомлар билан жиҳозланди. Даволаш бўлимларига жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган тиббий асбоб-ускуналар ўрнатилди. Чунончи, айни пайтда «Турон» санаторийсида «Алоқа-500», УЗИ ва «Toshiba» аппаратлари ёрдамида беморларга тиббий хизмат кўрсатилаяпти. Шунингдек, «Турон», «Чинобод», «Чортоқ», «Қашқадарё соҳили» сиҳатгоҳларида компьютер лазер аппаратлари ишлаб турибди. Бир қатор санаторийларда сувости массаж қурилмалари, шарко души, лазер, магнит ва янги физиотерапевтик ускуналардан самарали фойдаланилмоқда.

Шу ўринда «Қашқадарё соҳили» сиҳатгоҳида қилинган ишлар тўғрисида тўхталиб ўтиш жоиз. Бу маскан воҳанинг энг сўлим жойида, денгиз сатҳидан 600 метр баландликда жойлашган балнеологик курортдир. Ҳудуди мевали ва манзарали дарахтлар билан ўралган бўлиб, асаб, овқат ҳазм қилиш, урологик ва юрак қон -томир касалликларини даволаш учун жуда қулай имкониятга эга.

Сиҳатгоҳда кейинги икки-уч йил ичида жуда катта ўзгаришлар бўлди. Хусусан, бу ерда барча қулайликларга эга бўлган бир ва икки ўринли «люкс» хоналар ташкил этилди. Даволанувчиларни текшириб, аниқ ташҳис қўйиш учун санаторий замонавий ускуналар билан тўлиқ таъминланди. Функционал ташҳис қўйиш, рентген, эндоскопия хоналари, клиник ва биохимик лабораториялар фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, ультра товуш билан текшириб, ташҳис қўйиш аппарати даволанувчиларга маъқул бўлмоқда. Умуман айтганда, бу ерда 30 га яқин даволаш усули қўлланилмоқда. Маъданли сув, балчиқ, парафин ва озокерит, физиотерапия ва бошқалар шулар жумласидандир.

Кейинги икки йилда сиҳатгоҳда дам олувчиларга жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун яна анчагина ишлар қилинди. Жумладан, барча қулайликларга эга бўлган шинам ва кўркам ошхона мажмуаси қурилиб, ишга туширилди. Айни кунларда бу ерда парҳез ва буюртма асосида овқатлар тайёрланмоқда. Шу билан бир қаторда ошхонада шифобахш гиёҳлар билан даволаш бўлими ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, санаторийда 100 ўринли кино-концерт зали, биллиард, стол тенниси ва кутубхонага эга бўлган маданият ва маънавият маркази фойдаланишга топширилди.

Даволаш жараёнларини ҳам қулай, ҳам замонавий ташкил этиш шу куннинг талабидир. Буни ўз вақтида англаган санаторий маъмурияти Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг бевосита ёрдами билан бу ерда чўмилиш ҳавзаси ва даволаш мажмуасини қуриб битказди. Ишга туширилаётган мажмуа халқаро андозаларнинг энг сўнгги талабларига жавоб беради. Унга хориждан келтирилган ташҳис ва даволаш ускуналари ўрнатилди. «Оналар ва болалар йили» давлат дастурини бажариш юзасидан мажмуада малакали кардиолог, невропотолог, гинеколог, қулоқ, томоқ, бурун, кўз ва стоматолог каби шифокорлар текшируви йўлга қўйилди.

Акмал ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси бошлиғи.

Республика касаба уюшмалари «Оналар ва болалар йили» муносабати билан кенг кўламли тадбирларни амалга оширмоқда.

ШИФОКОРЛАР ОЛИС ҚИШЛОҚЛАРДА

Пойдевори мустаҳкам қалъа мангуликка дахлдордир. Зеро, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш ҳам миллатимиз пойдеворини мустаҳкамлашга қўшилган улкан ишдир. Чунки соғлом фарзанд фақат соғлом онадан дунёга келади. Соғлом авлод эса мамлакат келажагининг устунидир.

Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида ҳам оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом авлодни камолга етказиш борасида ибратли тадбирлар амалга оширилди. 6 бўлим, 50 дан ортиқ банддан иборат «Она ва бола» Дастури ишлаб чиқилиб, уларни бажариш борасида қатъий назорат ўрнатилган.

Аҳоли саломатлигини сақлаш, тиббий муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳомий ташкилотлар жалб этилган. Айниқса, бу эзгу ишда Олим Муродов раҳбарлик қилаётган Шўртан нефт ва газ конлари бошқармаси ходимларининг хизматлари катта. Уларнинг беминнат кўмаги билан марказий шифохона қошида шошилинч тиббий ёрдам марказининг замонавий биноси қуриб фойдаланишга топширилди. 40 ўринли Саломатлик маскани 30 миллион сўмлик маблағ сарфланиб, жиҳозланди.

Бундан ташқари, Омонота, Дўлтали ва Қуштепа қишлоқларида 50 беморни қабул қилишга мўлжалланган замонавий врачлик пунктлари янгидан қуриб ишга туширилди. Шифо масканлари қурилишида «Пачкамар», Улуғбек ва Охунбобоев номли жамоа-ширкат хўжаликлари ҳомийлик қилдилар.

— Аёл соғлиғини муҳофаза этиш келажакни ҳимоя этишдир, - дейди марказий шифохона бош врачи Барот Ортиқов. - Туманимизда 34 минг 710 нафар туғиш ёшидаги аёллар бор. Ўн тўрт ёшгача болалар 56189 нафарни ташкил этади. Уларнинг саломатлигини сақлаш шифокорларимизнинг муқаддас бурчлари, қалб амрларига айланган.

Туманда фаолият кўрсатаётган 375 ўринли марказий, 50 ўринли юқумли касалликлар, 70 ўринли болалар шифохоналари, 14 та қишлоқ врачлик, 28 та фельдшер-акушерлик пунктлари оналар ва болалар соғлигини тиклаш учун самарали хизмат қилмоқда. Қовчин қишлоғида 30 ўринли оналар ва болаларни қайта даволаш шифохонаси ишлаб турибди.

Тажрибали шифокор Нигора Қурбонова бошчилик қилаётган 60 ўринли туғруқхонада аёлларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш учун барча шароит яратилган. 23 нафар акушер-гинеколог, 97 нафар болалар врачларининг фидойилиги туфайли даволаш-профилактика ишлари яхшиланиб бормоқда.

Ширин Бобомуродова, Чори Ҳакимов, шунингдек, Нормамат Калонов, Мусурмон Сафаров каби шифокорлар бор билим ва тажрибаларини мамлакатимиз буюк келажаги бунёдкорларининг саломатлигини асраб-авайлашга қаратганлар.

Туманда хизмат қилаётган 341 нафар олий маълумотли врач, 1172 та ўрта махсус маълумотли тиббиёт ходимлари беминнат хизматидан одамлар мамнун. Хотин-қизлар қўмитаси фуқаролик ҳолатларини ҳисобга олиш бўлими билан ҳамкорликда 30 жойда оналик мактаблари, оила марказлари ташкил этди.

349 нафар бола вилоят «Она ва бола» скринги марказида тиббий кўрикдан ўтди. Туманнинг олис қишлоқларига, чорвадорлар ҳузурига 3 гуруҳдан иборат мутахассис шифокорлар юборилди. Улар аҳолини, айниқса оналар ва болаларни тиббий кўрикдан ўтказдилар ва даволадилар.

- XXI аср интеллектуал ривожланиш ва соғлом авлод асридир, — дейди биз билан суҳбатда туман хотин-қизлар қўмитаси раиси, ҳоким ўринбосари Т.Эшонқулова. — Айниқса келажагимиз бўлган навқирон авлодни ҳар томонлама соғлом, баркамол қилиб тарбиялаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз бўлмоғи керак. Шунинг учун ҳам туманимизда ҳар бир бола туғилишидан бошлаб доимо тиббий назоратда ва меҳр оғушида бўлади.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

ЎЗБЕК АЁЛИНИНГ ОЛТИН ҚЎЛЛАРИ

Тошкентдаги Ҳиндистон Маданият марказида истеъдодли мусаввир Шаҳноз Абдуллаева асарларининг кўргазмаси очилди. Ўзининг тасвирий санъат соҳасидаги иқтидори ва маҳоратини бир неча йиллардан буён намойиш этиб келаётган Ш.Абдуллаеванинг асарлари нафақат юртимизда, балки Япония, Буюк Британия, Марокаш каби давлатлардаги нуфузли кўргазмаларда ҳам муваффақият қозонган. Унинг картиналари жаҳоннинг АҚШ, Германия, Франция, Австрия, Туркия сингари мамлакатларидаги шахсий коллекцияларда сақланмоқда.

Ўзбек мусаввир аёли 1989 йили Тошкентдаги Маннон Уйғур номли Санъат институтини тамомлагач, тасвирий санъатнинг сир-асрорларини таниқли санъаткор Чингиз Аҳмаровдан ўрганади. Халқимизнинг руҳияти, қадимий гўзал анъаналари, қадриятларини ўз асарларида тараннум этди. У Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда яқинда ташкил этган «Ўзбек аёлининг олтин қўллари» кўргазмасида «Она ва бола» мавзуидаги туркум асарлари учун махсус диплом билан тақдирланди.

КОЛЛЕЖ «ИНТЕРНЕТ» ТИЗИМИДА

Жиззахдаги олимпия заҳиралари коллежи вилоят ўрта-махсус касб-ҳунар билим юртлари орасида биринчи бўлиб «Интернет» алоқа тизимига уланди. Шу йилнинг 30 апрелидан 5 майига қадар давом этадиган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари республика мусобақасини тўғридан-тўғри бутун дунёга узатиш имконини беради.

Бу хайрли иш коллежнинг ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилди. Ҳозир коллежда мусобақаларни юксак савияда ўтказиш ва меҳмонларни кутиб олиш учун ҳозирлик кўрилмоқда.

ТАЛАБАЛАРГА КАСАБА УЮШМА СТИПЕНДИЯСИ

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши истеъдодли талабаларни моддий ва маънавий рағбатлантириш борасида хайрли ишларга қўл урмоқда.

Кенгашнинг 1998 йил сентябр ойида бўлиб ўтган V пленумида пойтахтимиздаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида малакали мутахассислар тайёрлаш ва касаба уюшма фаолиятига ёшларни кенгроқ жалб этиш мақсадида 1999 йилдан эътиборан 10 та стипендия таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

Яқинда 2000-2001 ўқув йилининг қишки сессия якунларига асосан ўқув муассасалари ва тармоқ касаба уюшмалари шаҳар қўмиталарининг тавсиялари Кенгаш стипендиясини тайинлаш комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, раёсатда тасдиқланди. Стипендияга шаҳримиздаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг энг муносиб талабалари тавсия этилди. Эътиборлиси шундаки, эндиликда 10 нафар талаба олти ой мобайнида пойтахт касаба уюшмалари Кенгаши стипендиясини оладилар. Куни кеча Кенгаш раиси Мирзоҳид Содиқов талабаларга «Шаҳар касаба уюшмалари стипендианти» гувоҳномаларини тантанали равишда топширди.

Ғулом ЮСУПОВ,
«Ишонч» мухбири.

Суратларда: стипендиантларга гувоҳномаларни топшириш тадбиридан лавҳалар.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

АВВАЛГИЛАРГА ЎХШАМАС

Қарши шаҳрида ўқитувчилар ўртасида одатдагига ўхшамаган мусобақа ўтказилди. Оналар ва болалар йили муносабати билан ташкил этилган бу мусобақага спортнинг бирон бир тури билан шуғулланаётган оналар ва уларнинг фарзандлари таклиф этилди.

Айниқса, шахмат-шашка бўйича баҳслар ниҳоятда қизғин кечди. Шахмат бўйича 1-гимназия ўқитувчиси Манзура Аҳадова ва унинг ўғли Азизга тенг келадиганлар топилмади. Шашка бўйича эса 3-мактаб ўқитувчиси Сабоҳат Комилова ва унинг қизи Ирода биринчиликни эгаллади. Умумжамоа ҳисобида шаҳардаги 1-гимназия ва 14-болалар боғчаси жамоалари ғолиб деб топилди.

Ғолиблар ҳомийлар ва мусобақа ташкилотчилари томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Самарқандда «Номингдан айланай, Ўзбекистоним» деб номланган маданият ва санъат кунлари якунланди. Тадбир давомида Самарқанд шаҳридаги марказий истироҳат боғи доимо гавжум бўлди.

САМАРҚАНДДА САНЪАТ БАЙРАМИ

Ҳар бир шаҳар ва туман концерт дастурларидан ташқари халқ амалий санъати, ҳунармандчилик, рассомчилик асарларини намойиш қилди. Шунингдек, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўргазмалари ташкил этилди.

Мактаб ўқувчилари Самарқанднинг кўҳна обидаларини яна бир бор зиёрат қилди. Миллий чолғу асбоблари жўрлигида яккахон хонандалар ижросидаги қўшиқлар, рақс ва лапарлар, фольклор-этнографик гуруҳлар, қизиқчи ва масхарабозлар, миллий эстрада қўшиқчиларининг чиқишлари барчада катта таассурот қолдирди.

Маданият ва санъат кунларининг энг яхши иштирокчиларига вилоят ҳокимлигининг мукофотлари, эсдалик совғалари топширилди.

БОЛАЛАР ОРОМГОҲЛАРИ

уларни мавсумга пухта ҳозирлаш юзасидан мулоҳазалар

Ҳур Ўзбекистонимиз келажаги бўлмиш болажонларга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Зеро, фарзандлари соғлом, ҳар томонлама етук, жисмонан бакувват юртнинг келажаги порлоқдир. Шу боис, фарзандларимизнинг ҳадемай бошланадиган ёзги таътилини кўнгилдагидек ўтказиш масаласига катта эътибор берилмоқда.

Хўш, масъулиятли мавсумга жойларда қандай тайёргарлик кўрилмоқда? Ечимини кутаётган муаммолар нималардан иборат? Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани «Семурғ» болалар оромгоҳида ўтказилган республика семинарида шу ҳақда атрофлича гап борди. Унда қатор вазирликлар, идора, корхона ва ташкилотларнинг вакиллари иштирок этдилар.

— Болалар ёзги дам олиш мавсумини намунали ўтказиш юзасидан бой тажриба тўпланган, - дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг ўринбосари Озода Муҳиддинова. - Жумладан, семинар бўлиб ўтаётган туман ҳудудидаги «Автомобилчи», «Зилола», «Гулзор» оромгоҳлари ишини намуна сифатида кўрсатиш мумкин. Хусусан, «Гўзал» соғломлаштириш оромгоҳига киришингиз билан ажойиб манзаранинг гувоҳи бўласиз. Йўллар бўйлаб бир текисда шакл берилган ям-яшил арчалар, турфа гуллар баҳри дилингизни очади. Олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган алоҳида-алоҳида ётоқхоналар ҳамиша барвақт мавсумга шай этилади. Бунда Чирчиқ қурилиш материаллари ва ускуналари комбинати ҳиссадорлик жамияти маъмурияти, касаба уюшма қўмитасининг саъй-ҳаракатини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўтган йили корхона томонидан таъмирлаш ва бошқа тайёргарлик ишларига 6 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Эътиборлиси шуки, бу ерда кам таъминланган, ёрдамга муҳтож ишчи-хизматчилар фарзандлари бепул йўлланмалар билан таъминланмоқда. Моҳир қўллар, расм чизиш, инглиз тили, рақс ва фольклор тўгараклари кутилган даражада фаолият юритади. Футбол, волейбол, стол теннисига эътибор йил сайин кучайиб бормоқда. Бундай илиқ гапларни «Ўзбеккабель» Давлат ҳиссадорлик бирлашмасига қарашли «Зилола» болалар соғломлаштириш оромгоҳи ҳақида ҳам айтиш мумкин. Кутубхона, компьютер хонаси мавсумда фарзандларимизнинг энг севимли масканига айланади.

Кенгашда асосий эътибор баъзи камчиликлар, ечимини кутаётган муаммоларга қаратилди. Баъзи корхона, ташкилотларнинг мутасаддилари болалар оромгоҳларини мавсумга шай этишга кеч киришадилар. Хусусан, Чирчиқдаги қаттиқ қотишмали ва ўтга чидамли металлар корхонасига қарашли «Гулзор», Наманган вилоятидаги «Заркент», Қашқадарёдаги «Ёшлик», «Автомобилчи», Хоразмдаги «Зиёкор», «Ғайрат», Жиззахдаги «Жилғача», «Зангори олов», Бухородаги «Мовий гулхан», «Ёш тўқимачи» оромгоҳларида ўтган йили қатор камчиликларга йўл қўйилди.

Гап шундаки, белгиланган тадбирлар ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамланмаётганлиги сабабли бажарилмай қоғозда қолмоқда. Кутубхоналарда болалар учун мўлжалланган адабиётлар етарли эмас. Анжуманда оромгоҳларни малакали тарбиячилар билан таъминлаш масаласига Халқ таълими вазирлигининг бошқарма бошлиғи Ж.Фозилов алоҳида тўхталди.

— Биз ўзимизга қарашли «Алгоритм» болалар оромгоҳини мавсумга барвақт шай этишга масъулият билан киришдик, - дейди «Алгоритм» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Раҳимжон Йўлчибоев. - Бироқ, қатнов йўлларидаги йўл белгилари аниқ кўрсатилмаяпти. Бу мавсумда фарзандларини кўриш учун узоқ-яқиндан келаётган ота-оналар учун қийинчилик туғдирмоқда.

Бўстонлиқ тумани ИИБ ходими, милиция майори Хайриддин Миралимов тоғли ҳудудларда жойлашган оромгоҳларда назорат ишларини кучайтириш, уларнинг ҳар бирида алоқа воситалари бўлишини таъминлаш муҳимлигига эътиборни қаратди. Шунингдек, ўғил-қизларимиз учун ажратиладиган сут, гўшт маҳсулотлари мутасадди идоралар томонидан кундалик назоратда бўлиши лозимлиги уқтирилди.

Семинарда илғор тажрибаларни оммалаштириш, кутубхона ва турли тўгараклар ишини намунали ташкил этиш юзасидан қимматли таклиф-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Шукур ЖАББОРОВ.

АРДОҚ

Андижон вилояти ўлкашунослик музейида Оналар ва болалар йилига бағишланган кўргазма ташкил қилинди. Кўргазмада вилоят рассомларининг 50 дан ошиқ тасвирий санъат асари намойиш этилди. Бадиий академия аъзоси Низомиддин Ҳолиқов мўйқаламига мансуб «Таянч», «Пари», «Келин» ва бошқа аёллар портретлари кишини ўзига жалб этади. Рассом Обиджон Бакиров санъат ихлосмандлари эътиборига ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг фаол иштирокчилари портретларини ҳавола этди. Унинг қаҳрамонлари - ўқитувчилар, шифокорлар, ижодий ходимлар, тадбиркорлар ва бошқа замондош аёллардир.

(ЎзА).

TV дастури

16-22 апрел

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 16

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба, 16 апрел куни «Ўзбекистон-1» телеканали кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.

15.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
15.20 ТВ-1 намойиш этади: Телеанонс.
15.35 «Олам». Телеальманах.
16.10 «Қишлоқ ҳаёти».
16.25 «Ёлғончилар қасри». Мультфильм.
16.40 «Даврани кенгроқ олинг». Мусиқий дастур.
17.05 ТВ-клуб.
17.25 Экранда - телесериал: «Динозаврлар билан сайр».
17.55 ТВ-маркет.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Бинафша». Тележурнал.
18.35 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.35 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Биржа ва банк хабарлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Бунчалар гўзал бу ҳаёт». Ўзбекистон халқ артисти Ю. Усмонова билан учрашув.
21.40 «Зўр карвон йўлида». Учқудуқ-Нукус.
22.05 «Маънавият» дастури.
23.05 «Ахборот».
23.40 Тунги сеанс: «Олтин маъбуда». Бадиий фильм.
00.55-1.00 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан, душанба 16 апрел куни «Ёшлар» телеканали соат 16.00 да бошланади.

16.00 Кўрсатувлар дастури.
16.05 Жаҳон жуғрофияси: «Кашфиётлар асри».
16.55 Спорт ҳафтаномаси.
17.10 Ёшлар куйлайди.
17.20 «Янги авлод» почтаси.
17.40 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 6-қисм.
18.05 «Мульттомоша».
18.25 «Камолот». Ҳаваскорлар телетанлови.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш латифалари.
19.35 Алишер Навоийнинг 560 йиллигига. «Алишер Навоий». Видеофильм. 6-қисм.
20.10 «Эрта сўнган юлдузлар».
20.30 Ёшлик наволари.
20.40, 21.20, 22.30 Эълонлар
20.45 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Ғойиб бўлган қути изидан». Телесериал. 1-қисм.
21.25 Мусиқий лаҳзалар.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
1.10-1.15 Хайрли тун!.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Халқ саломатлиги йўлида».
18.30, 21.00, 22.25, 23.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Эҳтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05, 21.25 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.40, 22.05 «Экспресс» телегазетаси.
21.50 «Авто-news».
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
22.55 ТТВда сериал: «Селеста».
00.00-00.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.10 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.15 «Бебилиска пул». Сериал.
17.45 «Мени кутгил».
18.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.50 «Махфий ҳужжатлар». Сериал (X-files)
21.45 «Бизнес-ревю».
21.55 «Клип антракт».
22.05 Кинематограф. «Муҳаббат барини кечиради». Бадиий фильм.
23.30 «Ахборот» (рус тилида)
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА, 17

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Қўшиқ рақсга чорлайди». Мусиқий дастур.
9.25 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Баҳор».
9.35, 13.25 ТВ-метео.
9.40 «Санъат олами».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 Экранда - кинокомедия: «Автомобилдан сақланинг». Бадиий фильм.
11.30 «Доно бобо даврасида».
11.50 ТВ-клип.
12.05 С. Сиёев. «Бозор кўрмаган йигит». Видеофильм.
13.30 «Довруғи достон санъатим». Мусиқий дастур.
14.10 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
14.35 «Маънавият» дастури.
15.35 «Олов - тилсиз ёв».
15.55 «Куйла, ёшлигим».
16.20 Эркин кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати.
16.50 ТВ-интернет.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 Ойнаи жаҳон тақдимоти «Қироллиқдаги саргузаштлар». Мультфильм премьераси.
18.35 «Орзулар давони».
18.45 «Ифтихор».
19.05 Мусиқий альбом.
19.10 «Мулкдор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Навоийхонлик».
21.20 «Парламент вақти».
21.35 «Ватан мадҳи». Мусиқий дастур.
22.05 Теннис бўйича Ўзбекистон кубоги.
22.35 «Қўшиғимиз Сизга армуғон». Мусиқий дастур.
23.05 «Ахборот».
23.40 Тунги сеанс: «Олмазор». Бадиий фильм.
00.55-1.00 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
9.35 «Янги авлод» почтаси.
9.55 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 6-қисм.
10.20, 14.05 Мусиқий лаҳзалар.
10.35 «Алишер Навоий». Видеофильм. 6-қисм.
11.10 Олтин мерос.
11.15 Автосалтанат.
11.30 «Даллас». Телесериал.
12.15 Ёшлар овози.
12.35 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
14.15 «Ғойиб бўлган қути изидан». Телесериал. 1-қисм.
14.50 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
15.30 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 82-қисм.
16.20 «Ғазал соғинчи». Алишер Навоий.
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» студияси: «Кичкинтой театри».
17.00 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 7-қисм.
17.25 «Мульттомоша».
17.40 Таянч.
17.55 Ёшлар куйлайди.
18.10 Минг бир маслаҳат.
18.30 Авторейд.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш латифалари.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 «Алишер Навоий». Видеофильм. 7-қисм.
20.25 Мусиқий лаҳзалар.
20.35, 21.15, 22.30 Эълонлар
20.40 «Ғойиб бўлган қути изидан». Телесериал. 2-қисм.
21.20 Муҳаббат қўшиқлари.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Снукер бўйича жаҳон чемпионати.
0.20-0.25 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.30, 21.00, 22.40, 23.50 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Эҳтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05, 21.25 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.40, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.
21.50 «Туризм ҳақида».
23.05 Оҳанглар ва эълонлар.
23.10 ТТВда сериал: «Селеста».
00.15-00.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
17.45 «Бугунги Япония».
18.00 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Бебилиска пул». Сериал.
18.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.50 «Бизнес-ревю».
20.55 CFI тақдим этади: «Лувр шаҳри». Ҳужжатли фильм.
21.45 «Х-Спорт».
22.00 «Клип антракт».
22.10 Кинематограф. «Элвис ва мен». Бадиий фильм. 1-қисм.
23.35 «Ахборот» (рус тилида)
00.00 «Тунингиз осуда бўлсин».

ЧОРШАНБА, 18

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Опера санъати изланишлар йўлида».
9.20 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Бор экан-да йўқ экан».
9.30 «Аёл дунёни тебратар». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.45, 12.20 ТВ-метео.
9.50 «Тиббиёт одимлари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 Кундузги сеанс: «Алвон елканлар». Бадиий фильм.
11.30 «Ишбилармон».
11.40 «Бастакор илҳоми». Тележурнал.
12.05 «Камолот сари».
12.25 «Саҳна ҳаёти».
12.50 «Малика ва етти баҳодир ҳақида эртак». Мультфильм.
13.20 «Севги сурури». Мусиқий дастур.
13.50 ТВ-анонс.
14.10 «Остонаси тиллодан».
14.30 «Муҳофаза».
14.50 ТВ-клип.
15.00 «Парламент вақти».
15.15 Кундузги сеанс: «Қадимги шўхликлар». Бадиий фильм.
16.25 ТВ-анонс.
16.30 «Қўшиғим - жон қўшиғим».
16.55 Эркин кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати.
17.25 Экранда - телесериал. «Динозаврлар билан сайр».
18.10 «Иқтисод ва биз».
18.20 Болалар учун. «Умид учқунлари».
18.35 «Ўзбекистон фуқароси».
18.55 «Ҳамоҳанг наволар».
19.05 «Эл тинчлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.35 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 2001 йил - Оналар ва болалар йили. «Меҳр нури ёғар доим». Бадиий-мусиқий дастур.
21.40 «Долзарб мавзу».
22.00 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» - «Дўстлик». 2-тайм.
22.45 «Болаларга берайлик дунёни».
23.05 «Олам». Телеальманах.
23.40 «Ахборот».
00.15 Тунги сеанс: «Икки соҳил». Бадиий фильм.
1.25-1.30 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
9.35 «Янги авлод» студияси: «Кичкинтой театри».
9.50 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 7-қисм.
10.15, 14.35, 15.20 Мусиқий лаҳзалар.
10.25 «Давр»-интервью.
10.40 «Алишер Навоий». Видеофильм. 7-қисм.
11.15 Олтин мерос.
11.20 «Даллас». Телесериал.
12.05 Ёшлар овози.
12.25 «Қушча». Бадиий фильм.
13.40 «Камолот». Ҳаваскорлар телетанлови.
14.00 «Ғойиб бўлган қути изидан». Телесериал. 2-қисм.
14.45 «Жавоҳирлар дунёси». Телефильм.
14.55 «Эҳтимол улар ақлдан озишгандир». Телесериал.
15.30 Авторейд.
15.45 «Мудҳиш хато». Бадиий фильм.
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 «Янги авлод» студияси: «Кувноқ учрашув».
17.45 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 8-қисм.
18.10 «Мультмомоша».
18.25 «Сийрат».
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш латифалари.
19.35 Бахтиёр Султонов куйлайди.
19.55, 22.30 Эълонлар
20.00 «Спорт-лото».
20.10 Очил дастурхон.
20.25 «Алишер Навоий». Видеофильм. 8-қисм.
21.00 Мусиқий лаҳзалар.
21.05 «Учинчи сайёра» маърифий дастури: «Тимсоҳ овловчилар».
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Каталог.
22.40 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.50 «Даллас». Телесериал.
23.35 «Давр». Ахборот дастури.
23.50 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси.
1.20-1.25 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Суҳбатдош».
18.30, 21.00, 22.40, 23.50 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Эҳтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05, 21.25 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.40, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
21.50 «Фармацевтика оламида».
22.20 «Хусусийлаштириш: қадам-қадам».
23.05 Оҳанглар ва эълонлар.
23.10 ТТВда сериал: «Селеста».
00.15-00.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.25 «Инсон ва қонун».
18.10 В. Ворошилов хотирасига бағишланган «Нима? Қаерда? Қачон?» Сўнгги ўйин.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.50 «Бебилиска пул». Сериал.
21.20 «Бизнес-ревю».
21.30 «Контакт».
21.45 «Клип антракт».
21.50 Кинематограф. «Элвис ва мен». Бадиий фильм. 2-қисм.
23.10 «Ахборот» (рус тилида)
23.35 «Тунингиз осуда бўлсин».

ПАЙШАНБА, 19

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Жозиба». Мусиқий дастур.
9.15, 12.35 ТВ-метео.
9.20 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Умид юлдузлари».
9.40 «Эл тинчлиги йўлида».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.20 ТВ-1 кинотеатри: «Дўст». Бадиий фильм.
11.45 «Мураббий». Спорт дастури.
12.05 ТВ-клип.
12.15 «Болаларга берайлик дунёни».
12.40 «Олам». Телеальманах.
13.15 Лирик тароналар.
13.50 ТВ -анонс.
14.10 «Ёшликми ёки бебошлик».
14.30 «Ўйла, Изла, Топ». Телемусобақа.
15.05, 17.20 ТВ-анонс.
15.10 Кундузги сеанс. «Пан Кляксанинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 1-қисм.
16.35 «Шу Ватанга бордир менинг керагим».
16.55 Т. Жалилов номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
17.30 «Харита». Халқаро шарҳ.
17.45 «Шеър ва шуур».
18.10 Болалар учун. «Ҳикматлар хазинаси».
18.35 «Ҳамкорлик ришталари».
18.50 Эстрада тароналари. М. Намозов.
19.10 «Юки ерда қолмас элимнинг».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.40, 22.25 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қалбингиз қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
21.45 ТВ-клуб.
22.05 «Миллионлар ўйини». Футбол шарҳи.
22.30 «Қиёфа».
23.00 «Ахборот».
23.35 Тунги сеанс: «Улкан балиқ ови». Бадиий фильм.
00.45-00.50 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
9.35 «Янги авлод» студияси : «Қувноқ учрашув».
9.55 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 8-қисм.
10.20, 12.10 Мусиқий лаҳзалар.
10.30 «Алишер Навоий». Видеофильм. 8-қисм.
11.05 Олтин мерос.
11.10 «Қушлар». Телефильм.
11.25 «Даллас». Телесериал.
12.20 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси.
13.50 «Ўйна, сарвиноз». Болалар учун концерт.
14.05 Сийрат.
14.25 «Афросиёб». Телефильм.
14.35 Сенинг вақтинг.
14.55 Спорт-қитъаси.
15.20 Мухлис.
15.50 «Ёшлар» телеканалида спорт: Снукер бўйича жаҳон чемпионати.
16.30 Ёшлар куйлайди.
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» студияси: «Олтин калит».
17.05 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 9-қисм.
17.30 «Мультмомоша».
17.45 «Аёл қалби наволари». Қурсия Эсонова.
18.05 Табобат оламида.
18.25 Ёшлар овози.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 «Алишер Навоий». Видеофильм. 9-қисм.
20.50 Мусиқий лаҳзалар.
21.00, 21.40, 22.30 Эълонлар
21.05 «Ғойиб бўлган қути изидан». Телесериал. 3-қисм.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси.
1.10-1.15 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Митти юлдузлар».
18.30, 21.00, 22.40, 23.50 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Эҳтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05, 21.25 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.40, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.
21.50 «Аср тенгдоши».
22.30 «Эътиқод».
23.05 Оҳанглар ва эълонлар.
23.10 ТТВда сериал: «Селеста».
00.15-00.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.15 М. Евдокимов ҳузурида меҳмонда.
17.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.00 «Тўққарувчилар. Тезкор ёрдам».
18.30 «Ажойиб воқеалар».
18.40 «Мўъжизалар майдони».
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.55 «Бебилиска пул». Сериал.
21.25 «Бизнес-ревю».
21.35 «Дурдаршан».
21.55 «Клип антракт».
22.00 Ассалом, Франция!
22.10 Кинематограф. «Гувоҳнинг ўлдирилиши». Бадиий фильм.
23.20 «Ахборот» (рус тилида)
23.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 20

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Зангиота».
9.10 «Анор» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
9.30, 12.30 ТВ-метео.
9.35 Болалар учун. «Ҳикматлар хазинаси».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Инсон ва замин».
10.20 «Насриддиннинг саргузаштлари». Бадиий фильм.
11.35 Сиртқи телевизион олимпиада.
11.55 ТВ-клип.
12.05 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда - Қашқадарё вилояти.
12.35 «Қиёфа».
13.05 «Қалбингиз қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
13.40 «Ўзбекистон спорти».
14.10 «Цирк, цирк, цирк».
14.35, 16.20 ТВ-анонс.
14.45 «Жавоҳирлар хазинаси».
15.05 Кундузги сеанс: «Пан Кляксанинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 2-қисм.
16.30 «Кичкинтой устахонаси».
16.55 «Оламни асранг!»
17.15 ТВ-интернет.
17.25 Экранда - телесериал. «Динозаврлар билан сайр».
18.10 Болалар учун. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси».
18.25 «Адолат мезони».
18.40 «Омад қувончи». Телелотерея.
19.05 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Тиббиёт одимлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Барҳаёт наволар». Т. Бадинов.
21.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига. «Биз билган, билмаган тарих».
22.05 «Ташаббус-2001».
23.25 «Олам». Телеальманах.
23.50 «Ахборот».
00.25 Тунги сеанс: «Ёлғиз эркак учун тузоқ». Бадиий фильм.
1.50-1.55 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
9.35 «Янги авлод» студияси: «Олтин калит».
9.55 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 9-қисм.
10.20 «Давр»-интервью.
10.35 «Алишер Навоий». Видеофильм. 9-қисм.
11.35 Олтин мерос.
11.40 «Даллас». Телесериал.
12.25, 14.05 Мусиқий лаҳзалар.
12.35 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси.
14.15 Ёшлар овози.
14.35 «Ғойиб бўлган қути изидан». Телесериал. 3-қисм.
15.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 83-қисм.
15.55 «Самсон ва Салли». Болалар учун мультфильм.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: «Боланинг тили».
17.20 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 10-қисм.
17.45 «Мультмомоша».
18.00 Ёшлар куйлайди.
18.10 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига. «Тафаккур ёлқинлари».
18.25 Аскар мактублари.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 «Алишер Навоий». Видеофильм. 10-қисм.
20.15 Аср қиёфаси.
20.35 Мусиқий лаҳзалар.
20.40, 21.20, 22.30 Эълонлар
20.45 «Ғойиб бўлган қути изидан». Телесериал. 4-қисм.
21.25 Азизим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
23.40 «Давр». Ахборот дастури.
23.55-0.05 «Мунаввар тонг истаб».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «ТВ-плюс».
18.30, 21.00, 22.25, 23.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Эҳтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05, 21.25 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.40, 22.05 «Экспресс» телегазетаси.
21.50 «Дурдона».
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
22.55 ТТВда сериал: «Селеста».
00.00-00.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.15 М. Евдокимов ҳузурида меҳмонда.
17.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.00 «Тўққарувчилар. Тезкор ёрдам».
18.30 «Ажойиб воқеалар».
18.40 «Мўъжизалар майдони».
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.55 «Бебилиска пул». Сериал.
21.25 «Бизнес-ревю».
21.35 «Дурдаршан».
21.55 «Клип антракт».
22.00 Ассалом, Франция!
22.10 Кинематограф. «Гувоҳнинг ўлдирилиши». Бадиий фильм.
23.20 «Ахборот» (рус тилида)
23.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 21

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.15, 12.10 ТВ-метео.
«Тирик сайёра» кинодастури.
9.20 CFI тақдим этади: «Сирт-лонлар». Ҳужжатли фильм.
10.15 «Қўҳна замин оҳанглари».
10.40, 14.20 ТВ-анонс.
10.50 «Ташаббус-2001».
12.15 Ойнаи жаҳон тақдимоти: «Алиса». Мультфильм премьераси.
13.30 Эстрада тароналари.
14.00 «Дўстлик» видеоканали: 1. «Меҳрангез». 2. «Жетиген».
14.30 «Бўстон». Тележурнал.
14.50 ТВ-клип.
15.00 «Ноёб тур». Бадиий фильм.
«Спорт» дастури:
16.15 «Гольф-клуб».
16.35 Яккама -якка жанг. Каратэ.
17.00 «Ҳаёт қомуси».
17.20 «Мўъжизалар майдончаси». Болалар-шоу.
18.10 «Ранглар жилоси».
18.25 «Фламинго». Кинокўрсатув.
18.45 «Бадиий кенгашдан сўнг».
19.10 «Қишлоқ ҳаёти».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Оҳангларга ошуфта кўнгил». Насиба Сатторова.
21.35 «Шанба оқшомида». Дам олиш дастури.
22.10 «Баркамол авлод». Спорт дастури.
22.30 «Иш билганга минг танга». Телешоу.
23.10 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
23.45 «Бокиралик асри». Бадиий фильм.
2.00-2.05 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Боланинг тили».
9.20 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 10-қисм.
9.45 Табобат оламида.
10.05 Жаҳон жуғрофияси: «Қор йўлбарслари».
10.55, 15.05 Мусиқий лаҳзалар.
11.05 Аср қиёфаси.
11.25 «Алишер Навоий». Видеофильм. 10-қисм.
12.05 Олтин мерос.
12.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
13.10 Жасур Ризаев куйлайди.
13.25 «Рамаяна». Телесериал.
14.00 Бола тилидан.
14.30 «Ғойиб бўлган қути изидан». Телесериал. 4-қисм.
15.15 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
15.55 «Чипполино». Болалар учун мультфильм.
16.30 Жараён.
17.00 ТВ-саёҳат.
17.20 Вилоят ёшлар хонадалари куйлайди.
17.35 Кўрсатувлар дастури.
17.40 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».
18.00 «Мультмомоша».
18.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига. «Синфдош».
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс.
19.35 Каталог.
19.45 Рустам Маҳмудов куйлайди.
20.00 Ёшлар овози.
20.20 Футбол плюс....
20.40, 21.20, 22.40 Эълонлар
20.45 «Рамаяна». Телесериал.
21.25 Мусиқий лаҳзалар.
21.30 Кутилмаган меҳмон.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар.
22.45 Шанба экрани. «14-зонадан қочиш». Бадиий фильм.
0.15 Дирижабл.
0.35-0.40 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

9.00 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
9.50 «Эътиқод».
10.00 «Экспресс» телегазетаси.
10.20 ТТВда мусиқа.
10.30 «Гиннес-шоу».
10.55 «Спорт-тайм».
11.15 «Ёввойи табиат».
12.05-13.40 Кинонигоҳ. «Ажойиб еттовлон».
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Митти юлдузлар».
18.30 «Эҳтиром ила».
19.00 «Огоҳ». Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг масъул ходимлари билан бевосита мулоқот.
19.40, 20.45 «Экспресс» телегазетаси.
20.00 «Интер-спорт».
20.15, 21.20 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.05 «Авто-news».
21.45 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Сериал.
22.35 «Дарвоқе...» Ҳажвий кўрсатув.
22.55 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 Кинонигоҳ. «Энаганинг саргузаштлари».
00.30-00.35 Хайрли тун, шаҳрим.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Клип-антракт».
9.10 «Смак».
9.30 Е. Петросяннинг «Кулги панорамаси».
10.10 «Инглиз тили Сиз учун». Болалар учун кўрсатув.
10.35 «До-ми-соль шоу». Болалар учун кўрсатув.
11.25-12.15 Дўстлик видеоканали: «Умид», «Сахий хонадонда», «Машриқ оҳанглари».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Интернет ҳудуди».
18.15 «Бугунги Япония».
18.30 Буюк изқувар. Коломбо ва бошқалар.
20.00 «Время».
20.40 «Мэл Гибсон ва Джоди Фостер «Карта қироли» фильмида.
23.00 «Бизнес-ревю».
23.05 «Мюзик-холл».
23.30 Кинематограф. Джеймс Белуши «... Бирни кўриб шукр қил» фильмида.
00.10 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин».

ЯКШАНБА, 22

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.05 «Қўшиқ билан кўраман оламни». Мусиқий дастур.
9.30, 12.25 ТВ-метео.
9.35 «Ғаройибот».
9.50 «Буюк ёпилиш». Мультфильм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан!»
11.00 «Яхши ният». Телелотерея.
11.35 «2001 йил - Оналар ва болалар йили». «Фарзандим-дилбандим».
11.55 ТВ-клип.
12.00 «Шохрух клуби».
12.30 Мустақиллик тимсоли. Ўзбекистон театрларининг фестивали. Г. Горин. «Номи ўчсин». М. Уйғур номидаги Тошкент Давлат Санъат институти дипломатларининг спектакли. 1-қисм.
13.45 «Дилрабо тароналар».
14.05 «Мўъжизалар майдончаси».
14.55 Киноанонс.
15.05 Мустақиллик тимсоли. Г. Горин. «Номи ўчсин». М. Уйғур номидаги Тошкент Давлат Санъат институти дипломатларининг спектакли. 2-қисм.
16.15 Киноанонс.
16.20 Болалар учун. «Ёш юлдузлар».
16.45 «Чўл саховати».
17.05 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
17.35 «Бир наво истар

Сиз кутган учрашув

«КЎНГИЛЛАРНИ ОВЛАДИМ МЕН СОЗ ИЛА...»

Ўзбекистон халқ артисти, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Турғун Алиматов ҳузурида

«Чўли Ироқ» янграяпти...

Шу топда гўёки юрагингизга нажотбахш бир қувват инаётгандай туюлади. Кўнглингиз тубида ҳасрат илдизлари қуриб, умид майсалари ниш ура бошлайди. Жонбахш туйғуларни симириб, лаззатланасиз. «Ушшоқ», «Сегоҳ» ё бўлмаса «Чоргоҳ»ни тинглаган чоғларингизда ҳам ана шундай ҳолат вужудингизни қайта-қайта ларзага солаверади. Негаки, бу куйларнинг ижрочиси моҳир, шу даражада моҳирки, у буюк туйғулар қудратини соз ила сизнинг кўнглингизга жо этади! Беихтиёр унга тан берасиз. Ва элнинг Турғун Алиматовдек ажойиб санъаткори борлигидан фахрланасиз.

— Саксон йиллик ҳаёт йўлимга боқиб туриб, одамларга қай даражада хизмат қилдим, дея ўз-ўзимдан сўрайман гоҳо. Яхши кунларни эслаб суюнаман, бесамар ўтган чоғларимдан кўнглим тўлмайди, - дейди Турғун ака мушоҳадага берилиб. - Шунда биргина нарса менга таскин беради, у ҳам бўлса қўлимдаги танбур ҳамон янграб тургани, ҳамон соз чалиб, одамларга завқ улашаётганим...

— Сизнингча, куй нима?

— Ривоят қилишларича, Абу Наср Фаробий сафардалик чоғида Рум подшоси уни қабулига чорлаб, «Сени мусиқа билимдони дейишади. Қани, ҳунарингни кўрсат-чи?» дейди. Шунда Фаробий қўлидаги созини чалади. Сарой аҳли ўринларидан туриб, ўйинга туша кетишади. Бироз вақт ўтиб, мусиқачи куй оҳангини ўзгартиради. Шунда даврага оғир сукунат чўкади. Ўтирганлар чуқур хаёлга толиб, юз-кўзларида ҳазинлик аломати зоҳир бўлади. Учинчи бир куй янграганида эса тингловчилар сархушланиб, аста уйқуга кетадилар. Худди шу пайтда Фаробий саройни тарк этиб, ўз йўлига равона бўлади. Кўрдингизми, куй ана шундай сеҳр кучига эга. Чиндан ҳам куй илоҳий мўъжиза бўлиб, бу илоҳийлик унинг таъсир кучига жамланган. Ахир куй янграши билан кўнгилга ҳаяжон туташади, создан таралаётган ҳар бир жаранг гўёки юракнинг нозик торларини ҳам чертиб ўтаётгандек бўлади.

— Айтишларича, қадимда «Ҳида» деган куй бўлган экан. Бу куй асосан карвонлар олис йўлга чиққанида ижро этилган. Чунки, шу куйнинг таъсирида сарбонлар ва туялар қанчалик олис масофани босиб ўтишмасин, мутлақо чарчоқни сезишмас экан. Бошқа бир манбада айтилишича, олимлар дераза ёнида ўсаётган гулларни мақом куйлари чалинаётган хонага олиб киришган. Шунда гуллар тетикланиб, ғунчалари секин-аста очила бошлаган. Сиз санъатга қоришиқ ҳаётингизда шунга ўхшаш ҳодисаларни ҳеч кузатганмисиз?

— Бир воқеа ҳамон эсимдан чиқмайди. Ўшанда мен мухлисларим таклифи билан Хумсонга борган эдим. Сой ўртасидаги каттакон харсанг устида ўтириб танбурни чунонам берилиб чалибманки... Бир вақт куй

адоғига етгач, бошимни кўтарсам тепамда юзлаб қушлар чарх уришяпти, денг. Тўпланганлар ҳам, мен ҳам ҳайрон қолдик. Бу қушлар танбурда янграган куй товушига йиғилишганини билгач, мусиқанинг куч-қудратига, мўъжизавийлигига иймон келтирдим. Мақтаниш эмасу, ўзим билан боғлиқ яна бир воқеани айтай. Бир шифохона врачи мени йўлда тўхтатиб, «Сизда гапим бор» деди. Унинг айтишича, уйқусизлик касалига чалинган ўн нафар беморга мен танбурда чертган куйларнинг ёзув тасмасини қўйиб беришибди. Шунда ҳалиги беморларнинг саккизтаси куй таъсирида ухлаб қолишибди. «Сизнинг куйларингиз бизга дори-дармон каби зарур. Сизга ўз миннатдорчилигимизни билдириб қўймоқчи эдим», деди ўша шифокор. Мен доимо «Ушшоқ»ни, «Муножот»ни, «Насрулло» ва «Роҳат»ни ижро қилган кезларимда мухлислар қалби жунбушга келганини сезаман. Чунки, мумтоз куйлар дилдаги ғам-аламларни юзага олиб чиқади, кишига тасалли беради, яшаш иштиёқини уйғотади. Устозларим ҳам бу ҳақда менга кўп таъкидлашган. Улар «Қачонки, куйни юракдан берилиб чалсанг, у тўппа-тўғри юракларга йўл олади!» дея уқтиришарди.

— Устозларингиз кимлар?

— Ўзим туғилиб ўсган Тошкент вилоятидаги Қоплонбек қишлоғидан Эски Жўвада яшовчи тоғамларникига тез-тез келиб турардим. Бу ердаги кўримсизгина бинода ёшлар театри жойлашганди. Театрда кичик бир ансамбл бор эди. Репитиция бўлаётган пайтларда ўша атрофда айланиб юрардим. Тоғаларим мусиқага иштиёқимни пайқашиб, мени ўша ерга олиб боришди. Ихчамгина скрипкани чалиб, «синов»дан ўтдим. Ансамблда ишлай бошладим. Мусиқачиликнинг илк сабоқларини шу жойдаги устозларимдан олганман. Кейин фронтга кетдим. Урушдан қайтгач, 3-4 йилча Муқимий театрида ишлаб юрдим. Ўшанда ўртоқларимдан бири «Радиога танбурчи керак экан» деб қолди. Учиб бордим. Эсимда, Юнус Ражабий бир куйни чалдириб кўрдилар. Сўнг «Бўлади, ишга оламиз!» дедилар. Шу улуғ санъаткордан кейинчалик жуда кўп сабоқлар олдим, у киши билан ёнма-ён ишлаб, ижод қилдим. То қарилик нафақасига чиққунимга қадар Ўзбекистон радиоси қошидаги ансамблда фаолият кўрсатдим. Шу жойда изландим, куйлар яратдим, элу юртга танилдим...

Эндиликда ўзим ҳам кўпчилик ёшларга устозлик қилаяпман. Ўн беш йилдирки, Мухтор Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси талабаларига мумтоз мусиқадан сабоқ бериб келаман.

— Бугунги кунда ёш қўшиқчилардан иборат кўплаб гуруҳлар саҳнага чиқмоқда. Уларнинг ижодига муносабатингиз қандай?

— Ҳаёт дарё, у бир жойда тўхтаб турмайди. Давр ҳам шундай. Тинмай ўзгараверади. Кўз ўнгимизда бутун бир авлод истеъдодлар вояга етди. Лекин, яхшилари баробарида юзаки, бачкана, сийқа қўшиқлар ҳам ижро этилаётгани кўнгилга ғашлик солади. Ҳа оҳанг бор, на мазмун бор уларда. Чамаси меъёр бузилмоқда. Бир сўз билан айтганда, рок ва жаз мусиқалари ижрочилари ўз маҳоратларига сайқал бериб, мумтоз мусиқаларни ҳам севиб куйлашларини истайман.

— Айтганингиздек замон ўзгарди, қарашлар ўзгарди. Янги давр сизга қандай имконлар берди?

— Ўзим ҳам шу ҳақда гапирмоқчи эдим. Ўтган ўн йил менинг ҳаётимда, ижодимда кўпгина бурилишлар ясади. Америка, Германия, Францияда бўлдим. Хориж саҳналарида чинакам ўзбекона куйларни ижро этдим. Ахир, истиқлолга қадар бизда бундай имконлар деярли бўлмаган! Чет элларда лазер дискларга муҳрланган мусиқа ёзувларим чиқарилди. Ўтган йили Англияга таклиф этишди, у ердан катта таассуротлар билан қайтдим. «Тановор», «Куйгай», «Э, сабо» куйларини танбурда чалганимда чет элликлар шунчалар олқишлашдики, сўз билан тасвирлаш қийин...

— Мухлисларингизга тилакларингиз?

— Ўзбекистон — жаннат юрт. Шу юртда яшаётган ҳар бир киши буюк элнинг фарзанди эканлиги билан фахрланиши керак. Мумтоз куйларимизни ўзимизни севгандек севайлик, юртимизни қадрлагандек қадрлайлик. Бизни соғиниб эшитгувчи мухлисларимга омонлик тилайман, уларнинг дил соғинчлари асло тугамасин, дейман.

Амина ҚОДИРОВА,
Гулчеҳра ЖАМИЛОВА
суҳбатлашди.

Шифокор маслаҳати

Касаллик келиб чиқишида руҳий ҳолатнинг (ғазаб, тушкунлик, ваҳима, қўрқув ва ҳоказолар) роли жуда каттадир.

Абу Али ибн Сино.

АСАБНИ АСРАНГ

кунингиз равшан, умрингиз узун бўлади

Асаби яхши одамнинг саломатлиги ҳам, иродаси ҳам кучли бўлади, деб бежиз айтмайди доно халқимиз. Оиласида осойишталик, меҳр-муҳаббат, тотувлик ҳукм сурган кишилар бахтиёр ҳаёт кечирадилар. Чунки, асаб маркази бўлмиш бош мия мувозанати бузилмайди.

Одатда бош мия ўз вазифасини қўзғалиш ва тормозланиш ҳолатлари орқали бажаради. Бу икки ҳолат доимо бир-бири билан ўртача мувозанатда бўлиши зарур. Бордию ишда ёки уйда хотиржамлик бўлмаса, бош мияда мувозанат бузилади. Тез жаҳл чиқиши, уйқу бузилиши, хотира сусайиши, кейинчалик эса тез чарчаш, юрак сиқилиши, арзимас нарсалардан хафа бўлиш каби ҳолатлар пайдо бўлади. Буларнинг барчаси асабни аста-секин ишдан чиқариб, невроз (асабийлик) касаллигини келтириб чиқаради.

Асабийлик — узоқ давом этган руҳий кечинмалар, ҳаддан ташқари қийин шароитда ишлаш ёки яшаш, мунтазам дам олмаслик ва ухламасликдан зўриқиш каби ҳолатлар натижасида марказий асаб тизими фаолиятининг бузилиши туфайли келиб чиқувчи хасталиклардир. Ички организмнинг айрим сурункали касалликлари, баъзи инфекциялар ва заҳарланишлар, хусусан, тамаки, нос, спиртли ичимликлардан, наркотик моддалардан ва бошқалардан заҳарланиш, бош миянинг жароҳатланиши, соғлом турмуш тарзига амал қилмаслик, ички секреция безлари фаолиятининг бузилиши каби ҳолатлар асабийликни авж олдирувчи сабаблардир. Унинг клиник белгилари бир неча турга бўлинади: неврастения, истерия, психастения ва бошқалар.

НЕВРАСТЕНИЯ (асаб заифлиги)да инсоннинг салбий таассуротларга осон берилувчан, жаҳлдор, тез чарчайдиган бўлиб қолиши, мадори қуриши, ухлаганда салгина шовқинга уйғониб, бот-бот боши оғриб туриши кузатилади. Неврастенияга тез-тез асабга тегадиган ва дармонни қуритадиган ҳодисалар, қаттиқ чарчаш, толиқиш, меъёрда ухламаслик каби ҳолатлар сабаб бўлади. Бу касалликнинг асосий белгиси салга жаҳл чиқиш бўлиб, у қаттиқ қўзғалиш ва жуда ҳол қуриши билан намоён бўлади. Неврастенияда беморлар анча барвақт пайдо бўладиган уйқу бузилишидан жуда қаттиқ қийналадилар. Беморлар ҳамиша зўриққан ҳолатда бўлади. Ниҳоятда жўн одатдаги шароитларда ҳам зўриқиш ва ваҳима кучайиб кетиб, ўз хатти-ҳаракатини идора қилиши қийинлашади. Айрим ҳолларда ички органларда функционал бузилишлар рўй бериб, ҳар хил спазмлар, томирларнинг оғриши, ҳушдан кетиш, юрак-қон томирлар тизимининг бузилиши ҳоллари тез-тез учраб туради («юрак неврози», «томирлар неврози», «меъда неврози» ва бошқалар).

ПСИХАСТЕНИЯ — руҳий ожизлик бўлиб, бу невроз кўпинча фикрловчи кишиларда пайдо бўлиши аниқланган. Психастенияда бемор ниҳоятда тортинчоқ, иккиланувчан бўлиб, ўзига ишонмайди, ҳар нарсага шубҳа қилиш, салга дил оғриши, ҳадиксираш кузатилиб, бир оз касалликдан ҳам қаттиқ ваҳимага тушади. Лекин беморнинг ақли, қобилияти пасаймайди.

Психастениянинг ўсмирлик даврида ривожланиши кўпинча асаб тизимининг жинсий гормонлар таъсирида фаоллашиб кетиши билан боғлиқ бўлади. Катта ёшда эса бу невроз илгари асаб тизими қандайдир омил (инфекция, узоқ вақт жисмоний ёки ақлий жиҳатдан қаттиқ чарчаш кабилар) сабабли ҳолдан тойиб қолган кишиларда ривожланиши аниқланган.

ИСТЕРИЯ (жазавали невроз)нинг клиник кўринишлари хилма-хил бўлиб, талваса тутиши, ҳаракат фалажланиши, маълум гуруҳ мушакларнинг учиши, сезувчанликнинг бузилиши, томир тортишиши, руҳий таранглик ва кўрлик, эсхуш айниши, баъзан ҳушдан кетиш, стенокардия, бронхиал астма, ичак торайиши, юрак ўйнаши ва бошқа ҳодисалар тарзида кечиши ҳам мумкинлиги кузатилган. Беморнинг юзаки фикр юритиши, ҳаёлпарастликка мойиллиги, кайфиятнинг беқарорлиги, бошқалар эътиборини ўзига жалб қилишга уриниш, олифталик истерияга хос белгилардир.

Истерия кўпчилик ҳолларда одамнинг ноқулай, психикага шикаст етказувчи вазиятда бўлиши натижасида юзага келади. Олимларнинг таъкидлашича, истерия кўпинча кучсиз, аммо психикага узоқ вақт давомида шикастловчи таъсир этиб турадиган омиллар таъсири остида ривожланади. Бу касалликларнинг энг яхши давоси босиқ-вазминликдир. Кексалар бежизга «юракни кенг қил» деб маслаҳат бермайдилар.

Сафар МУҲАММАДИЕВ,
доцент.

Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, санъаткорона ясаган буюмлари жаҳон кўргазмаларида юқори баҳоланган фарғоналик кандакор уста Зокиржон Гофуров устоз сифатида ҳам элда обрў-эътибор топаётган инсонлардан. Унинг шогирдлари қўлидан чиққан нақшли бежирим қутича, лаган, патнис ва офтобалар танловларда юқори баҳоланмоқда ва харидорларга манзур бўлмоқда.

Суратда: уста Зокиржон Гофуров шогирди Бекзод Мусаев тайёрлаган буюмни кўздан кечираяпти.

Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат.

Жума ўгитлари

Юсуф Хос ҲОЖИБ

ФАРОҒАТ ИСТАСАНГ...

Отанинг иш-амали ўғлига сингса, унинг хулқи жилвагар бўлади. Болани тергаб-назорат қилиш ота-она юзининг ёруғлигини таъминлайди.

Назоратдан ташқаридаги бола бебош ва ярамаслик сари оғади. Эрка бўлиб ўсган ўғил-қизлар хатти-ҳаракати ота-онага мунг келтиради.

Кимки фароғатли кунни истаса, у феъл-атворини созлаши, тўғрилик ва ростликни танлаши лозим. Кўпчиликка бош бўлган кишининг йўли адолат, феъли равон, қилмиши эзгулик бўлмоғи, ёмонлардан узоқ турмоғи шарт. Ёмонлик илонга ўхшайди: у чақиши, ҳатто ҳалок этиши ҳам мумкин.

Барча сўзни эшит, юмшоқ кўнгиллилик одатинг бўлсин. Ҳасаддан йироқ тур. Уятсиз кишидан мудом узоқ бўл. Номусли, уят-андишали билан дўст тутин. Бирор ишда шошилма. Сабр ва қаноат қил. Йўл-йўриқнинг ўртачасини тут. Тилингни ҳам, бўғзингни ҳам, кўзингни ҳам асра. Хиёнат элидан четда бўл. Ўзингга лойиқ билмаган зиённи ўзгаларга ҳам лойиқ билма. Ғазабингни бос, доимо оғирлик қил.

Тилингдан чиқарма бу ёлғон сўзинг,
Бу ёлғон туфайли қорадир юзинг.

Ёру дўстга доим яқинлик ула,
Улуғу кичикка боқа бил кула.

(«Қутадғу билиг»дан).

АЛОҚАЧИЛАР УЧИНЧИ

Касаба уюшма спорти

Наманган вилоят касаба уюшмалари бирлашган қўмитаси ташаббуси билан мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб соҳа ходимлари ўртасида турли спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилмоқда.

Яқинда волейбол бўйича «Наманганпочтаси» ҳамда «Наманганателеком» акциядорлик жамиятлари филиаллари жамоалари ўртасида беллашувлар бўлиб ўтди. Почта алоқачилари ўртасидаги мусобақаларда «Тошбулоқ» филиали жамоаси, «Наманганателеком»чилар беллашувларида эса «Косонсой» филиали волейболчилари ғолибликни қўлга киритдилар.

Шунингдек, алоқачиларнинг волейбол жамоаси вилоят ҳокимлиги қарори билан мустақилликнинг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилган спорт мусобақаларида ҳам муваффақиятли қатнашиб, фахрли 3-ўринни эгалладилар.

Футбол

КАТТА СИНОВ АРАФАСИДА

Ниҳоят, орзиқиш ила кутганимиз манзил чироқлари ҳам кўзга ташланиб қолди. Роппа-роса ўн кундан кейин Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон чемпионатида қатнашиш шарафига муяссар қилиши мумкин бўлган дастлабки баҳсларга киришади. Еттинчи саралаш гуруҳини эса, мухлисларга яхши маълумки, биздан ташқари Иордания, Туркманистон ва «Хитой Тайпейи» ҳудудий жамоаси ташкил этади. Бу баҳслар учун Тошкентнинг танланиши эса ҳар жиҳатдан айни муддао бўлди. Биринчидан, ўз деворимиз мадад берса, иккинчидан, балки бу энг муҳимидир, катта футболни соғиниб қолган мухлислар муросасиз учрашувларнинг бевосита гувоҳи бўладилар.

Ўзбекистон терма жамоаси бош тренери Владимир Сальков куни-кеча таркибни эълон қилди. Улар қуйидагилар:

Дарвозабонлар:

Павел Бугало («Алания», Владикавказ, Россия)
Евгений Сафонов («Шинник», Ярославл, Россия)
Олег Беляков («Пахтакор»)

Ҳимоячилар:

Бахтиёр Ашурматов («Пахтакор»)
Александр Фёдоров («Рубин», Қозон, Россия)
Сергей Лушан («Ростсельмаш», Ростов-Дон, Россия)
Олег Пашинин («Локомотив», Москва, Россия)
Давронжон Файзиев (ЦСКА, Москва, Россия)
Александр Хвостунов («Трактор»)
Февзи Давлетов («Дўстлик»)
Алексей Дионисев («Левски», София, Болгария)

Ярим ҳимоячилар:

Миржалол Қосимов («Крилья Советов», Самара, Россия)
Баҳодир Сейткамолов («Пахтакор»)
Андрей Акопянц («Ростсельмаш», Ростов-Дон, Россия)
Владимир Маминов («Локомотив», Москва, Россия)
Мухтор Курбонов («Пахтакор»)
Баҳодир Аннаматов («Насаф»)
Николай Ширшов («Ростсельмаш», Ростов-Дон, Россия)
Тоҳир Мадраҳимов («Навбаҳор»)
Марат Аҳмеров («Пахтакор»)

Ҳужумчилар:

Георгий Георгиев («Левски», София, Болгария)
Улуғбек Бақоев (ЦСКА, Москва, Россия)
Жаъфар Ирисметов («Спартак», Москва, Россия)
Умид Исоқов («Нефтчи»)
Зафар Холмуродов («Насаф»)

Кўриниб турибдики, таркибга кирган йигирма беш ўйинчининг ўн бир нафаригина мамлакат ички чемпионатида қатнашаётган футболчилар. Қолганлар эса футбол ибораси билан айтганда — легионерлар. Зеро, натижа жамоа аъзоларининг нечоғлиқ ўзаро киришиб кетишларига боғлиқ.

Йилнинг муҳим матчларига ҳозирлик қизғин босқичга кирган айни паллада мамлакат чемпионатининг навбатдаги тури бўлиб ўтди. Мавсум бошидан мағлубият нималигини билмай келаётган «Насаф» Нукусда маҳаллий «Турон» билан бўлган учрашувда илк бор қоқилди. Ўйин қаршиликлар учун оғир кечди, ҳар қанча ҳаракат қилишмасин, майдон эгалари томонидан киритилган ягона тўпга муносиб жавоб қайтара олмай, карвонбошиликни шу куни сафарда «Самарқанд-Динамо» жамоасини 4:2 ҳисобида мағлуб этган Фарғонанинг «Нефтчи» клубига топширишга мажбур бўлдилар.

Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

«Дўстлик»-«Семурғ» — 3:0, «Кимёгар»-«Навбаҳор» — 1:4, «Зарафшон»-«Сурхон» — 3:1, «Сўғдиёна»-«Андижон» — 2:0, «Трактор»-«Бухоро» — 1:0, «Академия»-«Қизилқум» — 3:0

Кеча «Пахтакор» ўз майдонида Бекободнинг «Металлург» жамоасини қабул қилди.

Бешинчи турдан кейинги вазият

ЖАМОАЛАР	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.«Нефтчи»	5	4	1	0	17-4	13
2.«Насаф»	5	4	0	1	9-2	12
3.«Пахтакор»	4	3	0	1	7-2	9
4.«Навбаҳор»	4	3	0	1	7-2	9
5.«Бухоро»	5	3	0	2	9-5	9
6.«Дўстлик»	5	3	0	2	9-6	9
7.«Трактор»	5	3	0	2	10-8	9
8.«Қизилқум»	5	3	0	2	3-4	9
9.«Зарафшон»	5	2	1	2	10-6	7
10.«Академия»	5	2	1	2	8-7	7
11.«Самарқанд-Д»	4	2	0	2	7-10	6
12.«Турон»	5	2	0	3	3-9	6
13.«Металлург»	4	1	1	2	3-4	4
14.«Андижон»	5	1	1	3	4-10	4
15.«Сўғдиёна»	4	1	0	3	2-8	3
16.«Сурхон»	5	1	0	4	7-13	3
17.«Кимёгар»	5	1	0	4	4-12	3
18.«Семурғ»	4	0	1	3	1-7	1

Тошкент шаҳар енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат ходимлари касаба уюшма қўмитаси фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармасининг «Гулбаҳор» болалар соғломлаштириш оромгоҳи бошлиғи **Гавҳар Ҳасановна МУҲАМЕДОВА**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.
Буюртма Г— 2224.
1 2 3 4 5 6